

ИМПОРТ ТОВАР ТУРЛАРИ ТАРКИБИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ БОЖХОНА АУДИТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Сулаймонов Нуриддин Зокирович

Божхона қўмитаси Ташкилий-назорат, хизмат фаолиятини
таҳлил қилиш ва баҳолаш бошқармаси бош инспектори

E-mail: sulaymonovnuriddin1986@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21671750>

Аннотация. Мақолада импорт товарлари таркибини иқтисодий таҳлил қилиш натижаларидан божхона аудити объектларини хавфга асосланган ҳолда танлашда фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Товар ва мамлакатлар кесимидаги таркибий ўзгаришлар, импорт динамикаси, концентрация даражаси, нарх ўзгарувчанлиги ҳамда божхона имтиёзларининг улуши таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида божхона аудити устувор йўналишларини белгилашга хизмат қилувчи комплекс индекс таклиф этилган. Ушбу ёндашув аудит объектларини дастлабки саралаш ва назорат ресурсларини хавфли йўналишларга йўналтириш имконини беради.

Калит сўзлар: импорт таркиби, иқтисодий таҳлил, божхона аудити, хавфларни бошқариш, божхона тўловлари, божхона имтиёзлари, концентрация индекси, аудит объектини танлаш.

ЗНАЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА СТРУКТУРЫ ВИДОВ ИМПОРТИРУЕМЫХ ТОВАРОВ В ТАМОЖЕННОМ АУДИТЕ

Сулаймонов Нуриддин Зокирович

Главный инспектор Управления организационного контроля, анализа и
оценки служебной деятельности Таможенного комитета.

E-mail: sulaymonovnuriddin1986@gmail.com

Аннотация. В статье исследованы возможности использования результатов экономического анализа товарной структуры импорта при риск-ориентированном отборе объектов таможенного аудита. Проанализированы структурные изменения в разрезе товарных групп и стран, динамика импорта, уровень концентрации, изменчивость стоимостных показателей и доля таможенных льгот. По результатам исследования предложен комплексный индекс, позволяющий определять приоритетные направления таможенного аудита. Данный подход может применяться для предварительного отбора объектов аудита и направления контрольных ресурсов в наиболее рискованные сферы.

Ключевые слова: импорт, товарная структура, экономический анализ, таможенный аудит, управление рисками, таможенные платежи, льготы.

THE ROLE OF ECONOMIC ANALYSIS OF IMPORT COMPOSITION IN CUSTOMS AUDIT

Nuriddin Zokirovich Sulaymonov

Chief Inspector, Department for Organizational Control, Analysis and
Evaluation of Official Performance, Customs Committee.

E-mail: sulaymonovnuriddin1986@gmail.com

Abstract. The article examines the use of economic analysis of the import commodity structure for risk-based selection of customs audit targets. Structural changes by commodity group and trading partner, import dynamics, concentration levels, value variability and the share of customs benefits are analysed. Based on the findings, a composite index is proposed to identify priority areas for customs audit. The approach can support the preliminary screening of audit targets and the allocation of control resources to higher-risk areas.

Keywords: import composition, economic analysis, customs audit, risk management, customs payments, exemptions, concentration index, audit selection.

1. КИРИШ

Дунёда божхона органлари мамлакат ташқи савдосида ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирувчи, давлат бюджетига тушумларни ундирилишини, мамлакат аҳолиси соғлиғи ва иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи муҳим институционал давлат идораси ҳисобланади.

Замонавий иқтисодиёт аввало чуқур таҳлилий ечимлар асосида доимо ўзини янгилаб боровчи, тартибга солувчи ва турли таҳликаларга таъсирчан мураккаб тизимга айланиб бормоқда [1].

Жаҳон савдосининг рақамлашуви, товар оқимлари ҳажмининг ортиши ва етказиб бериш занжирларининг мураккаблашуви божхона органларидан назорат ресурсларини барча операцияларга тенг тақсимлаш эмас, балки хавф даражаси юқори йўналишларга мақсадли йўналтиришни талаб этмоқда. Бундай шароитда товарларни чегарада узоқ ушлаб туришга асосланган назорат модели қонуний савдо харажатларини оширади ва божхона маъмуриятчилигининг самарадорлигини пасайтиради.

Шу сабабли халқаро амалиётда назоратнинг бир қисми товарлар чиқариб юборилгандан кейинги босқичга кўчирилиб, божхона аудити хавфга асосланган бошқарувнинг муҳим воситаси сифатида қўлланилмоқда [2; 3].

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимида шахс ёки товар туркумини чиқариб юборилгандан кейинги аудит учун хавф асосида танлаш ва аудит натижаларидан кейинги хавфларни бошқариш жараёнларида фойдаланиш белгиланган [2].

Жаҳон божхона ташкилоти божхона аудитини хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат тизимлари, шартномалари, молиявий ва номолиявий ҳисоблари ҳамда бошқа активларини тизимли текшириш орқали қонунчиликка риоя этилишини баҳолаш жараёни сифатида талқин қилади [3].

Мазкур ёндашув аудит объектларини танлашда товар қиймати, импорт ҳажми, товар тури, аввалги қоидабузарликлар ва даромад йўқотилиши хавфи каби мезонлардан фойдаланишни назарда тутади.

Шу муносабати билан иқтисодий таҳлил натижалари асосида божхона аудитини янада такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил орқали божхона соҳасидаги воқелик аниқланади, муаммолар таҳлил этилади ва самарадорликка таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Иқтисодий таҳлил – бу иқтисодий жараёнлар ва кўрсаткичларнинг мазмунини, ривожланиш динамикасини, омиллар таъсирини аниқлашга қаратилган илмий услублар мажмуасидир [14].

Ўзбекистонда ҳам товарлар чиқариб юборилгандан кейинги назоратни кучайтириш, божхона аудитини камерал ва сайёр шаклларда маълумотлар таҳлили асосида ташкил этиш, тадбиркорларнинг қонунчиликка риоя этиш даражасини баҳолаш ҳамда аудит натижаларини хавф даражасига боғлаш бўйича институционал асослар такомиллаштирилмоқда [9–12]. Амалдаги тартибда «Божхона аудити» ахборот тизими орқали маълумотларни таҳлил қилиш асосида аудит шаклини танлаш назарда тутилган [10].

2026 йил 1 июлдан “маслаҳатчи аудитор” тамойилини жорий этиш ва аудит натижаларини тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингда ҳисобга олиш белгиланган [11].

Шу билан бирга, аудитга танлаш амалиётида алоҳида декларация ёки тадбиркор ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда, импортнинг товар таркибидаги узоқ муддатли ўзгаришларни ҳам тизимли баҳолаш зарур. Товар гуруҳининг импортдаги улуши, ўсиш суръати, нарх ва қиймат кўрсаткичларининг ўзгарувчанлиги, божхона имтиёзларининг салмоғи ҳамда муайян мамлакатларга боғлиқлик даражаси аудит ресурсларини тақсимлашда муҳим ахборот беради.

Бироқ, импорт таркибини иқтисодий таҳлил қилиш натижаларини божхона аудити режалаштириш билан боғловчи амалий ёндашувлар миллий илмий адабиётда етарлича тизимлаштирилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади 2016–2025 йилларда импорт товарлари таркибининг динамик ва таркибий хусусиятларини баҳолаш ҳамда олинган натижалар асосида божхона аудити учун устувор товар гуруҳларини дастлабки саралаш механизмининг таклиф этишдан иборат.

Мақоланинг илмий янгилиги импортдаги улуш, узоқ муддатли ўсиш, ўзгарувчанлик ва имтиёзлар салмоғини бирлаштирувчи секторлар кесимидаги аудит устуворлиги индексини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Божхона назоратини хавфга асосланган тарзда ташкил этиш масаласи халқаро стандартлар ва илмий тадқиқотларда икки ўзаро боғлиқ мақсад — бюджет даромадларини ҳимоя қилиш ва қонуний савдони енгиллаштириш нуқтаи назаридан ўрганилади. Жаҳон божхона ташкилотининг божхона аудити бўйича қўлланмасида пост-аудит тизими чегарадаги танлаб назорат билан уйғунлаштирилиши, аудит объектлари эса хавфни баҳолаш ва мавжуд инсон ресурсларини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозимлиги қайд этилган [3].

Қўлланмада стратегик хавфни баҳолаш бутун тармоқ ёки импортчилар гуруҳини, тактик баҳолаш эса муайян импортчи ва операцияларни қамраб олиши таъкидланади.

Халқаро божхона маъмуриятлари тизимида маълумотларни таҳлил қилиш (Data Mining) ва хавф-хатарларни бошқариш (Risk Management) соҳасида ўтказилган муҳим илмий-амалий тадқиқот муаллифлари **Анн-Мари Журжон (Anne-Marie Geourjon)**, **Бертрант Лапорте (Bertrand Laporte)**, **Усман Кундул (Ousmane Coundoul)** ва **Массене Гадиага (Massene Gadiaga)** томонидани божхона маъмуриятларида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва статистик скоринг усуллари назоратга танлаш сифатини оширишини Сенегал тажрибасида кўрсатган [5].

Муаллифлар камроқ, аммо аниқроқ назорат ўтказиш божхона ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилишини асослайди.

Лапорте эса ривожланаётган давлатлар божхона тизимида маълумотлар таҳлилига асосланган хавфларни бошқариш моделларининг институционал аҳамиятини очиб берган [6].

Сўнгги тадқиқотларда божхона хавфларини бошқаришда катта маълумотлар, сунъий интеллект ва машинавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш масаласи кенг ёритилмоқда.

Ҳиндистон билвосита солиқлар ва божхона марказий кенгаши (CBIC) таркибидаги Таҳлил ва хавф-хатарларни бошқариш бош бошқармаси (DGARM) эксперти ва Миллий божхона мақсадли маркази (National Customs Targeting Centre) раҳбар ходимларидан бири **Шрути Виджаякумар (Sruti Vijayakumar)** томонидан маълумотлар ва иқтисодий таҳлилларга асосланган бошқарув ташқи савдо занжири хавфларини эрта аниқлаш ва назоратни мақсадли ташкил этиш имкониятини оширишини таъкидлайди [7].

Иқтисодчи олим **Хин Чжоу (Xin Zhou)** томонидан 2019 йилда *World Customs Journal* (Жаҳон божхона журнали)да чоп этилган илмий ишда божхона аудитида хавф-хатарларини таҳлил қилиш жараёнида Журжон ва Лапортнинг анъанавий статистик баҳолаш моделларидан фарқли ўлароқ, **машинавий таълим (Machine Learning)** ва **харажатларга сезувчан классификация (Cost-Sensitive Classification)** усуллари қўллаш орқали **сунъий интеллект алгоритмларининг хатоликлар қийматини** ҳисобга олган ҳолда ишлашини асослаб беради.

Чжоу ва ҳаммуаллифлар божхона хавфларини аниқлашда нотенг синфлар муаммосини ҳисобга олувчи харажатга сезгир таснифлаш усуллари таклиф этган [8].

Мазкур тадқиқотлар декларация даражасидаги прогноз моделларига қаратилган бўлса-да, уларнинг умумий хулосаси — хавфни баҳолаш ишончли маълумотлар базаси, тўғри танланган кўрсаткичлар ва доимий қайта алоқа механизмига таяниши лозимлигидир.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, аудит объектларини танлашда микро даражадаги маълумотлар билан бирга товар тармоқларининг макроиқтисодий ҳолати ҳам муҳим. Жаҳон божхона ташкилоти муайян товар сектори бўйича тадқиқот ўтказишда унинг ҳажми,

ишлаб чиқариш ва истеъмол кўрсаткичлари, иштирок этувчи корхоналар сони, технологик хусусиятлари ва эҳтимолий қоидабузарлик турларини ўрганишни тавсия этади [3].

Шу нуқтаи назардан, импорт товарлари таркибининг узоқ муддатли динамикаси божхона аудити учун тармоқ даражасидаги хавф харитасини шакллантиришнинг биринчи босқичи бўлиши мумкин.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотнинг ахборот базаси 2016–2025 йиллар учун ташқи савдо режими, товарларнинг уч босқичли иқтисодий гуруҳи, савдо ҳамкор давлат, статистик қиймат (*божхона юк декларациясининг 46-графаси*), амалда ундирилган божхона тўловлари ва имтиёз сифатида ҳисобланган тўловлар бўйича агрегатланган маълумотлардан ташкил топган.

Божхона қўмитаси маълумотлар базаси асосида таҳлил ишлари амалга оширилиб (*2016-2025 йилларда амалга оширилган экспорт-импорт операцияларида жами 63 028 та маълумот қатори мавжуд бўлиб, шундан 44 441 таси импорт режимида, 18 587 таси экспорт режимида тўғри келади*), мақолада фақат импорт режими маълумотлари таҳлил қилинди.

Маълумотлар базасидаги статистик қиймат минг АҚШ доллариди, божхона тўловлари ва имтиёзлар сўмда ифодаланган. Таҳлилда статистик қиймат млрд АҚШ долларига, тўловлар эса трлн сўмга ўтирилди.

Товарларнинг биринчи босқичида 20 та гуруҳ мавжуд бўлиб, ҳар бир йилда 19 та фаол гуруҳ қайд этилган. Учинчи босқич товар турлари сони 2016 йилда 1 339 тадан 2025 йилда 1 517 тагача ошган.

Импорт динамикасини иқтисодий таҳлил қилишда қуйидаги таҳлил турлари асосида ўрганилди.

Хусусан, ўсиш суръати ва структуравий улушни баҳолашда йиллик ўсиш суръати қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

Динамик таҳлилда (ўсиш суръати — T_y):

$$T_y = (I_y / I_{y-1} - 1) \times 100,$$

бу ерда I_y — y йилдаги импорт статистик қиймати.

Структуравий таҳлилда (улуш — S_{iy}):

Товар гуруҳининг жами импортдаги таркибий улуши $S_{iy} = I_{iy} / \Sigma I_{iy} \times 100$ формуласи билан аниқланди.

Концентрация таҳлилда товар ва мамлакатлар бўйича концентрацияни таққослаш учун Герфиндал–Хиршман индекси қўлланилди:

$$HHI_y = \Sigma S_{iy}^2.$$

Вариацион-статистик таҳлилда йиллар кесими бўйича товар гуруҳи қийматининг ўзгарувчанлиги вариация коэффициенти $CV_i = \sigma_i / \bar{I}_i \times 100$ орқали баҳоланди.

Импорт товарларига нисбатан қўлланилган божхона имтиёзларининг тўловлар таркибидаги улуши $E_i = P^{free}_i / (P^{paid}_i + P^{free}_i) \times 100$ формуласи асосида ҳисобланди.

Фискал-имтиёзлар таҳлилда божхона аудити учун секторлар кесимидаги дастлабки устуворликни баҳолаш мақсадида қуйидаги интеграл индекс таклиф этилди:

$$R_i = 0,35Z(S_i) + 0,25Z(G_i) + 0,20Z(CV_i) + 0,20Z(E_i),$$

бу ерда Z — кўрсаткични минимум–максимум усулида 0 ва 1 оралиғида нормаллаштириш; S_i — 2025 йилдаги импорт улуши; G_i — 2016–2025 йиллардаги ўсиш; CV_i — ўзгарувчанлик; E_i — 2025 йилдаги имтиёзлар улуши.

Божхона қўмитасининг 2016–2025 йиллардаги маълумотлар базасидан келиб чиқадиган сунъий юқори ўсиш таъсирини чеклаш учун индекс 2025 йилда жами импортда камида 1 фоиз улушга эга товар гуруҳларига нисбатан ҳисобланди.

Таклиф этилаётган индекс аудит объектини якуний танлаш воситаси эмас. У товар сектори даражасидаги дастлабки саралашни таъминлайди.

Якуний қарор импортчининг қонунчиликка риоя этиш тарихи, декларациялардаги нарх ва код аномалиялари, ўзаро боғлиқ шахслар билан операциялар, солиқ ва бухгалтерия маълумотлари, аввалги аудит натижалари ҳамда тезкор ахборот билан тўлдирилиши лозим.

Тадқиқотнинг чеклови шундаки, мавжуд база импортчи СТИРи, алоҳида ТИФ ТН коди, физик миқдор, товар бирлиги нархи ва аниқланган қоидабузарлик натижаларини қамраб олмайди. Шу сабабли мақоладаги натижалар секторлар даражасидаги иқтисодий хавфларни кўрсатади, аммо қонунбузилиш мавжудлигини бевосита тасдиқламайди.

4. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

4.1. Импорт қиймати ва божхона тўловлари динамикаси

Таҳлил натижалари 2016–2025 йилларда импорт статистик қиймати **барқарор ўсиш** тенденциясига эга бўлганини кўрсатади.

Импорт қиймати 2016 йилда 11,33 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2025 йилда 42,08 млрд АҚШ долларига етган.

Ўн йиллик даврда умумий ўсиш 271,5 фоизни, ўртача йиллик ўсиш эса 15,7 фоизни ташкил этди. Энг юқори йиллик ўсиш 2018 йилда 43,8 фоиз, 2023 йилда 30,6 фоиз ва 2019 йилда 26,2 фоиз қайд этилган. 2020 йилда импорт 8,7 фоизга, 2024 йилда эса 4,1 фоизга камайган.

Импорт ҳажмининг ўсиши билан бирга амалда ундирилган божхона тўловлари 2016 йилдаги 5,56 трлн сўмдан 2025 йилда 72,10 трлн сўмгача ошган. Имтиёз сифатида ҳисобланган тўловлар 11,07 трлн сўмдан 49,25 трлн сўмгача кўпайган бўлса-да, уларнинг жами ҳисобланган тўловлардаги улуши 66,6 фоиздан 40,6 фоизга пасайган.

Бу ҳолат импорт қиймати, валюта курси, солиқ базаси, тариф ставкалари ва имтиёзлар таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин; мазкур омилларнинг алоҳида таъсирини аниқлаш учун қўшимча микро-маълумотлар талаб этилади.

1-жадвал.


2016–2025 йилларда импорт ва божхона тўловларининг асосий кўрсаткичлари

Йил	Импорт, млрд долл.	Ўси ш, %	Ундирилга н тўлов, трлн сўм	Имтиё з, трлн сўм	Имтиё з улуши , %	Давлатла р сони	Товар турлар и
-----	--------------------------	-------------	-----------------------------------	-------------------------	----------------------------	--------------------	----------------------

2016	11,33	—	5,56	11,07	66,6	127	1339
2017	12,04	6,2	7,62	19,27	71,7	135	1371
2018	17,30	43,8	11,00	38,53	77,8	135	1416
2019	21,83	26,1	16,74	47,37	73,9	146	1449
2020	19,92	-8,7	25,20	34,23	57,6	135	1439
2021	23,73	19,1	35,72	33,09	48,1	147	1464
2022	28,16	18,6	43,71	40,51	48,1	154	1450
2023	36,78	30,6	54,35	54,34	50,0	162	1491
2024	35,29	-4,1	58,26	48,51	45,4	151	1498
2025	42,08	19,3	72,10	49,25	40,6	158	1517

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

2016–2025 йилларда импорт статистик қиймати динамикаси



1-расм. 2016–2025 йилларда импорт статистик қиймати динамикаси

4.2. Импортнинг товар таркиби ва концентрацияси

2025 йилда импорт таркибида технологик асбоб-ускуналар 16 фоиз билан биринчи ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларда металл ва металл буюмлар — 12,4 фоиз, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари — 11,9 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари — 11,9 фоиз ҳамда электротехника ва унинг қисмлари — 10,7 фоизни ташкил этган.

Мазкур беш гуруҳ жами импортнинг 62,9 фоизини шакллантирган. 2016 йилда ҳам биринчи беш гуруҳ улуши 62,9 фоиз бўлган, бироқ уларнинг ички таркиби ўзгарган.

Мазкур **иқтисодий таҳлил**, аниқроғи — **савдо тузилмаси (структура) таҳлили** ёки **концентрация таҳлили** (market concentration analysis) асосида мамлакатлар бўйича **ННІ (Herfindahl-Hirschman индекси)** 2016 йилда 1072,1 пунктдан 2025 йилда 998,3 пунктга пасайган. Бу импорт таркибидаги юқори улушли гуруҳлар сақланиб қолган ҳолда, улар ўртасидаги тақсимот бир оз тенглашганини кўрсатади.

Бу ерда, **ННІ** — бозор ёки савдо тузилмасидаги концентрация (бир нечта иштирокчига боғлиқлик) даражасини ўлчайдиган кўрсаткич бўлиб, ҳар бир

давлатнинг улушини (фоизда) квадратга кўтариб, барчасини қўшиш орқали ҳисобланади:

$$HHI = \sum (улуш_i)^2$$

Изоҳ: Диапазони: 0 дан (жуда кўп давлат, ҳар бирининг улуши деярли нолга яқин — тўлиқ диверсификация) то 10 000 гача (битта давлат 100% — тўлиқ монополия).

1000 дан паст — паст концентрация (ракобатли/диверсификацияланган тузилма)

1000–1800 — ўртача концентрация

1800 дан юқори — юқори концентрация (кучли боғлиқлик)

Шу билан бирга, технологик асбоб-ускуналарнинг улуши 21,4 фоиздан 16,0 фоизга камайган, ёқилғи-энергетика ва нефть маҳсулотларининг улуши эса 5,3 фоиздан 9,6 фоизга ошган. Металл, электротехника, транспорт ва озиқ-овқат гуруҳларида ҳам абсолют қийматнинг юқори ўсиши кузатилган.


2-жадвал.

2025 йилда импортнинг асосий товар гуруҳлари бўйича таркиби

Товар гуруҳи	Импорт, млрд долл.	Улуш, %	Ундирилган тўлов, трлн сўм	Имтиёз, трлн сўм
Технологик асбоб-ускуналар	6,75	16,0	5,95	6,35
Металл ва металл буюмлар	5,22	12,4	7,94	3,97
Транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари	5,01	11,9	10,66	10,99
Озиқ-овқат маҳсулотлари	4,99	11,9	8,71	11,68
Электротехника ва унинг қисмлари	4,50	10,7	8,80	4,50
Ёқилғи-энергетика ва нефть маҳсулотлари	4,05	9,6	6,54	2,44
Пластмасса ва резина маҳсулотлари	2,20	5,2	5,21	1,99
Кимё саноати маҳсулотлари	2,16	5,1	4,22	1,77
Фармацевтика ва тиббиёт буюмлари	1,96	4,7	3,32	0,19
Ёғоч-тахта маҳсулотлари	1,09	2,6	1,77	1,03

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

2025 йилда импортнинг асосий товар гуруҳлари бўйича таркиби



2-расм. 2025 йилда импортнинг асосий товар гуруҳлари бўйича таркиби

Бундан ташқари, **Импорт динамикасини ўзгаришига таъсир этувчи баъзи бир омилларни кўриб чиқамиз. Хусусан:**

А) Товарларни расмий импортини назорат қилиш бўйича тизимдаги камчиликларни бартараф этиш орқали иқтисодиётни тартибга олиш омили асосида:

Электротехника саноат тармоғининг мобил алоқа воситалари товарлари мисолида қуйида кўриб чиқамиз. Жумладан:

2021 йилда Божхона қўмитасининг ташаббуси билан божхона органлари ва “UZIMEI” маркази **ахборот тизимлари** ўзаро интеграция қилиниши орқали фақатгина тадбиркорларнинг божхона юк декларациясида мобил алоқа воситаларининг IMEI рақамларини алоҳида кўрсатиш билан расмийлаштирилиши ва чегарада йўловчиларнинг шахсан ўзи томонидан олиб кирилганлигини тасдиқлаш механизмини жорий этилиши натижасида **мобил қурилмаларини расмий олиб кириш ҳолатлари кескин ошди** (3-жадвал).

3-жадвал

Мобил алоқа воситаларини ноқонуний савдосини чеклаш натижалари

Йиллар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Расмий импорти (қиймати, млн \$)	2,2	2,2	23	107	203	199	240	376	615
Миқдори (млн дона)	0,04	0,054	0,54	1,33	3,99	2,96	3,37	4,19	4,61

Ундирилган тўловлар (млрд сўм)	4,95	5,4	37,35	266,02	497,87	476,35	512,66	846,23	1 391,3
---	------	-----	-------	--------	--------	--------	--------	--------	---------

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

Натижада 2025 йилда (2017 йилга нисбатан):

– ноқонуний савдосини чеклаш натижасида расмий импорт **миқдори 96 баробарга** (2017 йилда **48 минг** дона импорт қилингна бўлса, 2025 йилга келиб **4 млн 609 минг** дона), **қиймати 280%га** (2017 йилда **2,2 млн доллар** импорт қилингна бўлса, 2025 йилга келиб **615 млн доллар**);

– ундирилган божхона тўловлари **281 баробарга** (2017 йилда **5 млрд сўм** тўлов қилинган бўлса, 2025 йилга келиб **1 трл 391 млрд сўм**) **ошганлигини кўришимиз мумкин.**

Маълумот учун “UZIMEI” маркази тизимида рўйхатга олинган мобиль қурилмаларнинг расмий импорт улуши юридик шахслар бўйича 2021 йилда **10 %ни** ташкил этган бўлса, 2025 йил январь ойида **69 %га**, декабрь ойида **91 %га** етди

Б) Нотариф чекловларни жорий этиш орқали тартибга олиш омили асосида:

Тамаки саноати тармоғидаги сигарет маҳсулоти мисолида қуйидаги кўриб чиқамиз. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2024 йил 3 июндаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида” ПФ-84-сон Фармони** лойиҳасини ишлаб чиқишда, Божхона қўмитасининг амалиётда кузатилаётган ноқонуний схемаларни олдини олишга қаратилган таклифи асосида 2024 йилдан бошлаб транзит олиб ўтилаётган **тамаки маҳсулотлари** учун ваколатли шахс томонидан (*юк эгаси ёки юк ташувчилар*) томонидан божхона тўловлари суммасини олдиндан божхона органларининг депозит ҳисобварағига ўтказиш талаби белгиланди (4-жадвал).

4-жадвал

Сигарет маҳсулотининг ноқонуний савдосини чеклаш натижаси ва расмий импортга жалб этиш натижалари

Йиллар	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Аниқланган қоида-бузарлик миқдори (млн қути)	0,07	0,29	0,34	1,01	1,58	1,61	5,74	2,97	1,48
Аниқланган қоида-бузарлик қиймати (млрд сўм)	0,74	2,78	5,65	15,44	18,94	20,21	105,94	62,07	47,91

Расмий импортдаги миқдори (минг тонна)	4,1	3,3	4,3	4,2	4,31	6,24	6,66	6,31	9,5
Расмий импортидаги божхона қиймати (қиймати, млн \$)	26	20	26,3	27,9	35,2	55,5	75	95,4	118,6
Ундирилган тўловлар (млрд сўм)	106,63	36,17	81,73	107,28	157,19	205,89	305,41	825,42	1 002,1

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

Натижада 2025 йилда (2023 йилга нисбатан):

– ноқонуний савдосини чеклаш натижасида расмий импорт **миқдори 58%га** (2023 йилда **6,6 млн тонна** импорт қилингна бўлса, 2025 йилга келиб **9,5 млн** қути), **қиймати 59%га** (2023 йилда **75 млн доллар** импорт қилингна бўлса, 2025 йилга келиб **118,6 млн доллар**);

– ундирилган божхона тўловлари **3,5 баробарга** (2023 йилда **305 млрд сўм** тўлов қилинган бўлса, 2025 йилга келиб **1 трл сўм**) ошдиган.

– чегара орқали ноқонуний олиб ўтиш эса **4 баробарга** (2023 йилда **5,7 млн** қути аниқланган бўлса, 2025 йилга келиб **1,4 млн** қутига) камайганлигини кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Тамаки транзитини нотариф тартибга солишда эришилган натижалари

Йиллар	2021	2022	2023	2024	2025
Вазни (тн)	1 849,37	6 633,37	12 558,66	2 430,41	354,07
Қиймати (млн. \$)	14,183	85,214	176,716	32,606	2,456

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

Тамаки маҳсулотларини транзит олиб ўтиш (5-жадвал) эса 2024 йилга нисбатан вазни **7 баробарга камайди** (2024 йилда **2 430 тонна** транзит қилинган бўлса, 2025 йилга келиб **354 тонна**).

Бундан ташқари, импорт товарлар турларини миқдорига, қийматига ва таркибига таъсир этувчи бож-тариф, нотариф, шунингдек, ташқи омиллар (дунёдаги геосиёсий вазият, табиий офат, хориж давлатлардаги ташқи тавдо сиёсатини ўзгариши) натижасида мамлакатлардан импорт товарлар оқимини камайишига таъсир этади.

С) Импортда бож-тариф сиёсатидаги паст ставкали божхона тўловларини жорий этилиши асосида, айрим хориж товарларини республикага кириб келишининг ортиши натижасида тескари пропорционал тарзда маҳаллий ишаб чиқарувчилар га ини ишлаб

чиқарувчиларга маҳсулот тан нархининг юқори қийматга (қимматга тушиши) салбий таъсири:

Электро-техника саноати тармоғидаги электр жиҳозлари (*переключател, электр занжирларни автомат ўчиргичлар (выключатель), лампалар учун патронлар, штепсел, розеткалар ва ҳоказо*) **мисолида қуйидаги кўриб чиқамиз.** Жумладан:

6-жадвал

Электр жиҳозлари маҳсулотлари импортида мавжуд паст божхона ставка белгиланганлиги сабабли маҳсулот импортида ўсиш суръатлари

Йиллар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Божхона қиймати (млн доллар)	29,27	23,03	26,67	59,11	48,68	61,32	81,96	116,51	98,21	112,72
Қўлланилган божхона имтиёз (млрд сўм)	18,68	31,61	55,64	89,26	95,76	118,31	170,09	242,45	205,83	235,17
Ундирилган тўлов (млрд сўм)	21,64	15,71	10,84	48,42	46,81	59,09	77,65	80,5	66,01	77,15

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

Мазкур Электр жиҳозлари маҳсулотлари импортида тўланган божхона тўловлари ва товарлар нисбатан божхона имтиёзларни қўлланилиши фискал-имтиёзлар таҳлили усулида ўрганилди (6-жадвал).


Фискал-имтиёзлар таҳлили $E_i = P^{free}_i / (P^{paid}_i + P^{free}_i) \times 100$ формуласи асосида амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич умумий потенциал божхона тўлови (*яъни, агар имтиёз бўлмаганда тўланиши лозим бўлган тўлиқ сумма*) таркибида қанча қисми амалда имтиёз сифатида кечирилганини фоизда ифодалайди.

7-жадвал

Божхона тўловлари ва қўлланилган божхона имтиёзларининг улуши

Кўрсаткич	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Имтиёз улуши, E_y (%)	46,3	66,8	83,7	64,8	67,2	66,7	68,7	75,1	75,7	75,3
Тўланган улуш $(100 - E_y)$, %	53,7	33,2	16,3	35,2	32,8	33,3	31,3	24,9	24,3	24,7

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.



3-расм. Умумий потенциал тўлов таркибида божхона имтиёзи улушининг динамикаси (E_v), %

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, 2016 йилда потенциал тўловнинг 46,3 фоизигина имтиёз сифатида кечирилган бўлса (яъни тўловнинг ярмидан кўпроғи — 53,7% — амалда ундирилган), 2018 йилга келиб бу кўрсаткич кескин 83,7 фоизгача кўтарилган. Кейинги йилларда (2019–2022) кўрсаткич 65–69 фоиз оралиғида барқарорлашган бўлса, 2023–2025 йилларда у янада юқорироқ — 75,1–75,7 фоиз даражасида мустаҳкамланган (3-расм).

Бутун давр учун ўртача имтиёз улуши **69 фоизни** ташкил этди. Бошқача айтганда, сўнгги йилларда потенциал божхона тўловининг тахминан тўртдан уч қисми ($\frac{3}{4}$) амалда имтиёз сифатида ҳисбга олиниб, атиги тўртдан бир қисмигина ($\sim 25\%$) давлат бюджетига ундирилмоқда.

Бу тенденция — импорт ҳажмининг ошиши билан бир вақтда имтиёзлар улушининг ҳам барқарор юқори даражада сақланиши — фискал юкнинг сезиларли қисми давлат томонидан қопланаётганини англатади.

Сўнги вақтларда, Божхона қўмитасида ўтказилган **очиқ мулоқотларда** маҳаллий тадбиркорлар томонидан (“Тош нур пласт” МЧЖ, “MEGA LINE SYSTEMS” МЧЖ, “PROGRESS ENERGY” ОК ва ҳ.к.з) электр жиҳозларига (лампа^{лар} учун патронлар, штепсел ва розеткалар, переключателлар, электр занжирларни автомат ўчиргичлар (выключатель), электр занжирларни ажраткичлар (разъединитель), Электр занжирларни ҳимоя қилиш жиҳозлари (предохранитель) товарлари) Ўзбекистонда белгиланган импорт божи ставкаининг паст ставкада (10%, лекин камида 0,3 АҚШ долл./кг) белгиланиши оқибатида, маҳаллий тадбиркорлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хориждан импорт қилинган маҳсулотлар билан рақобатлаша олмаётганлиги, маҳсулот тан нархининг ошиб кетиши натижасида бир қатор тадбиркорларнинг молиявий аҳволига салбий кўрсатаётганлиги, мавжуд иш

ўринларни йўқотилишигача бўлган оқибатларга олиб келаётганлиги таъкидланган.

Бу каби ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, миллий иқтисодий таъминотни ҳимоя қилиш борасида божхона органлари томонидан иқтисодий таҳлиллар асосида илмий асосланган ҳулосаларни тегишли вазирлик ва идораларга юборилиши таъминланган.

4.3. Импорт географиясидаги ўзгаришлар

Импортнинг мамлакатлар кесимидаги таркиби товар гуруҳларига нисбатан юқоридаги концентрацияни кўрсатади. 2016 йилда Россия Федерацияси 20,1 фоиз, Хитой Халқ Республикаси 19,7 фоиз ва Қозоғистон 8,3 фоиз улушга эга бўлган (6-жадвал).

Ушбу уч давлатнинг умумий ҳиссаси 48,1 фоизни ташкил этган. 2025 йилга келиб, Хитой Халқ Республикасининг улуши 34,1 фоизга, Россия Федерациясининг улуши 19,7 фоизга, Қозоғистон давлатининг улуши 7,9 фоизга етган ва биринчи уч давлатнинг жами улуши 61,8 фоизга кўтарилган. Демак, импорт товар турлари бўйича нисбатан диверсификация кузатилган бўлса-да, етказиб берувчи мамлакатлар бўйича боғлиқлик кучайган. Бу ҳолат божхона аудитида муайян товар-мамлакат комбинацияларини, ўзаро боғлиқ етказиб берувчиларни, транзит ва қайта экспорт занжирларини ҳамда нарх шаклланишини чуқурроқ ўрганиш заруратини оширади.

6-жадвал.

2025 йилда импортнинг асосий ҳамкор давлатлар бўйича тақсимооти

Давлат	Импорт, млрд долл.	Улуш, %
Хитой	14,36	34,1
Россия	8,29	19,7
Қозоғистон	3,34	7,9
Туркия	1,77	4,2
Корея	1,55	3,7
Германия	1,15	2,7
Ҳиндистон	1,14	2,7
Туркманистон	1,05	2,5
Беларусь	0,74	1,7
АҚШ	0,57	1,3

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

4.4. Божхона тўловлари ва имтиёзларининг аудитдаги аҳамияти

Божхона тўловлари ва имтиёзларни товар гуруҳлари кесимида биргаликда таҳлил қилиш фискал хавфнинг потенциал миқёсини баҳолаш имконини беради.

2025 йилда транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари бўйича 10,66 трлн сўм тўлов ундирилган ва 10,99 трлн сўм имтиёз ҳисобланган.

Озиқ-овқат маҳсулотларида мазкур кўрсаткичлар мос равишда 8,71 ва 11,68 трлн сўмни, технологик асбоб-ускуналарда 5,95 ва 6,35 трлн сўмни ташкил этган.

Бу гуруҳларда импорт ҳажми ҳам, имтиёзлар суммаси ҳам юқори бўлгани сабабли, имтиёз шартларига риоя этилиши, товарнинг мақсадли ишлатилиши ва ТИФ ТН бўйича тўғри таснифланиши аудитнинг устувор йўналишларидан бири бўлиши мумкин.

Бироқ, имтиёзлар улушининг юқори бўлиши ўз-ўзидан қоидабузарликни англатмайди. Айрим тармоқларда инвестиция, ижтимоий аҳамият ёки давлат дастурлари билан боғлиқ қонуний имтиёзлар кенг қўлланилиши мумкин.

Шунинг учун иқтисодий таҳлил фақат хавфни кўрсатувчи сигнал сифатида қаралиши ва имтиёзнинг ҳуқуқий асоси, амал қилиш муддати, мақсадли фойдаланиш шarti ҳамда импортчининг кейинги операциялари билан таққосланиши лозим.

Фармацевтика ва тиббиёт буюмлари 2025 йилда жами импортнинг 4,7 фоизини ташкил этган бўлса-да, имтиёзларнинг тўлов ва имтиёзлар йиғиндисидagi улуши 5,4 фоиз атрофида бўлган.

Аксинча, минерал маҳсулотларда мазкур улуш 77,2 фоизни ташкил этган. Бу фарқ товар гуруҳларига бир хил аудит мезонини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини ва ҳар бир сектор учун алоҳида хавф профили ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

4.5. Божхона аудити учун устувор товар гуруҳларини баҳолаш

Таклиф этилган интеграл индекс натижаларига кўра, аудит режасини секторлар кесимида шакллантиришда ёқилғи-энергетика ва нефть маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, электротехника ва унинг қисмлари, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, технологик асбоб-ускуналар ҳамда металл ва металл буюмлар устувор таҳлил йўналишлари сифатида намоён бўлди.

Ушбу гуруҳлар импортдаги юқори улуш, узоқ муддатли ўсиш, йиллар кесимидаги ўзгарувчанлик ёки имтиёзлар салмоғининг бир нечтасини бир вақтда намоён этган.

Индекснинг юқори қиймати мазкур гуруҳда қоидабузарлик мавжудлигини эмас, балки аудит ресурсларини тақсимлашдан олдин чуқурлаштирилган таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқлигини англатади.

Масалан, ёқилғи-энергетика маҳсулотларида импорт қиймати 2016–2025 йилларда 578,6 фоизга ўсган ва вариация коэффиценти 67,1 фоизни ташкил этган. Технологик асбоб-ускуналарда эса ўсиш нисбатан пастроқ бўлса-да, 2025 йилдаги 16,0 фоизлик улуш ва 51,6 фоизлик имтиёз салмоғи уни юқори фискал аҳамиятга эга сектор сифатида кўрсатади (7-жадвал).

7-жадвал.

Божхона аудити учун товар гуруҳларининг дастлабки устуворлик баҳоси

Товар гуруҳи	Индекс, балл	2025 йил улуши, %	2016– 2025 ўсиш, %	CV, %	Имтиёз улуши, %
Ёқилғи-энергетика ва нефть маҳсулотлари	71,1	9,6	578,6	67,1	27,2

Электротехника ва унинг қисмлари	61,6	10,7	379,9	60,5	33,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	59,3	11,9	278,4	48,4	57,3
Транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари	57,1	11,9	284,5	46,8	50,8
Металл ва металл буюмлар	54,2	12,4	367,2	40,0	33,4
Технологик асбоб-ускуналар	52,0	16,0	178,9	28,6	51,6
Тўқимачилик маҳсулотлари	37,9	1,9	474,0	47,6	28,3
Минерал маҳсулотлар	35,3	1,3	299,2	37,0	77,2

Манба: Божхона қўмитаси ахборот тизимидаги маълумотлар базаси асосида муаллиф ҳисоб-китоблари ва ишланмаси.

Изоҳ: индекс 2025 йил импортдаги улуши камида 1 фоиз бўлган товар гуруҳлари учун ҳисобланган.

5. МУҲОКАМА

Олинган натижалар импорт товарлари таркибини иқтисодий таҳлил қилиш божхона аудитининг уч босқичида амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Биринчи босқичда макро ва мезодаражадаги таҳлил аудит режаси учун устувор тармоқларни белгилайди.

Иккинчи босқичда танланган тармоқ доирасида импортчилар, ТИФ ТН кодлари, келиб чиқиш мамлакатлари, шартли нархлар ва имтиёзлар тури бўйича сегментация амалга оширилади.

Учинчи босқичда эса муайян тадбиркор ёки операция бўйича ҳужжатлар, бухгалтерия маълумотлари ва аввалги назорат натижалари текширилади.

Таҳлилда аниқланган товар ва географик концентрация натижалари божхона аудитида “тармоқ (сектор) – мамлакат – импортчи” учлик модели бўйича хавф профилини шакллантириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Масалан, жами импортда юқори улушга эга товар гуруҳи бир ёки икки давлатдан келтирилса, нархлар шаклланиши, ўзаро боғлиқ шахслар, транспорт харажатлари ва товар келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича комплекс аудит мезонлари ишлаб чиқилиши мумкин.

Божхона имтиёзларини таҳлил қилишда ҳам секторлар ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш зарур. Имтиёз суммасининг юқорилиги фискал хавф оқибатининг катта бўлиши мумкинлигини кўрсатади, лекин хавф эҳтимоллини аниқламайди. Эҳтимолни баҳолаш учун имтиёз шартларининг бузилиши, мақсадли фойдаланишдан четлашиш, товар кодининг ўзгариши, қайта сотиш ёки ишлаб чиқариш қувватига номутаносиб импорт каби микроиндикаторлар талаб этилади.

Шу сабабли интеграл индексдаги имтиёзлар улуши аудитнинг фискал оқибатини ифодаловчи мезон сифатида талқин қилиниши лозим.

Ўзбекистонда 2025–2026 йилларда божхона аудити тартибининг янгилалиши ва “маслаҳатчи аудитор” тамойилининг жорий этилиши иқтисодий таҳлилнинг профилактик функциясини кучайтиради [10; 11].

Товар гуруҳи бўйича такрорланувчи хато ва аномалияларни аниқлаш нафақат аудит ўтказиш, балки тадбиркорларга типик хатолар ҳақида

олдиндан ахборот бериш, ихтиёрий тузатиш механизмларини ривожлантириш ва қонунга риоя қилувчи субъектлар учун назорат юкини камайитириш имконини беради.

Тадқиқот натижалари Анн-Мари Журжон (Anne-Marie Geourjon) ва ҳаммуаллифларнинг маълумотлар таҳлили назорат селективлигини ошириши ҳақидаги хулосалари [5] билан, шунингдек, Жаҳон божхона ташкилотининг товар сектори ҳажми, импорт тури ва даромад йўқотилиши хавфини аудитга танлашда ҳисобга олиш бўйича тавсиялари [3] билан уйғун.

Мақоланинг фарқли жиҳати ушбу ёндашувларни Ўзбекистоннинг 2016–2025 йиллардаги импорт таркиби маълумотларига татбиқ этиб, секторлар, саноат тармоқлари, давлатлар даражасида содда ва изоҳланадиган устуворлик индексини таклиф этганидир.

6. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

2016–2025 йиллар маълумотлари асосида амалга оширилган таҳлил импорт статистик қиймати 11,33 млрд АҚШ долларидан 42,08 млрд АҚШ долларигача ўсганини, умумий ўсиш 271,5 фоиз ва ўртача йиллик ўсиш 15,7 фоизни ташкил этганини кўрсатди.

Товар таркиби бўйича биринчи беш гуруҳ улуши қарийб ўзгармасдан 62,9 фоиз даражасида сақланган, аммо технологик асбоб-ускуналарнинг нисбий улуши камайиб, ёқилғи-энергетика, металл, электротехника ва транспорт маҳсулотларининг аҳамияти ошган.

Бунда, товар гуруҳлари бўйича концентрация индекси пасайгани импорт таркибининг нисбий диверсификациясини кўрсатади.

Бироқ мамлакатлар кесимида концентрация сезиларли кучайган биринчи уч давлат улуши 48,1 фоиздан 61,8 фоизга, ННІ (**Herfindahl-Hirschman индекси**) эса 1008,3 пунктдан 1684,9 пунктга ошган.

Шу боис импорт товарларни конъюктураси таҳлили асосида божхона аудити ўтказишда товар хавфи билан бирга етказиб берувчи мамлакат ва савдо занжири хавфини ҳам баҳолаш лозим.

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- ✓ божхона аудити йиллик режасини шакллантиришда импортнинг товар таркиби, узоқ муддатли ўсиш, ўзгарувчанлик, фискал аҳамият ва географик концентрация кўрсаткичларини қамраб олган секторлар кесимидаги таҳлилни жорий этиш;
- ✓ таклиф этилган аудит устуворлиги индексини “Божхона аудити” ахборот тизимида тармоқларни дастлабки саралаш модули сифатида синовдан ўтказиш ва уни аудит натижалари асосида мунтазам қайта калибрлаш;
- ✓ устувор товар гуруҳлари доирасида ТИФ ТН коди, бирлик нархи, соф оғирлик, келиб чиқиш мамлакати, импортчи ва имтиёз тури бўйича деталлаштирилган хавф профилларини ишлаб чиқиш;
- ✓ имтиёзлар юқори бўлган секторларда товарнинг мақсадли ишлатилиши, ишлаб чиқариш қувватига мослиги ва имтиёз шартларига кейинги даврларда риоя этилишини аудитнинг алоҳида йўналиши сифатида белгилаш;

- ✓ аудит натижаларини хавфларни бошқариш тизимига қайта узатиш, аниқланган типик хатолар бўйича тадбиркорларга тушунтириш бериш ва қонунга риоя қилувчи субъектлар учун назорат частотасини камайтириш;
 - ✓ кейинги тадқиқотларда декларация ва импортчи даражасидаги маълумотлар, аудит натижалари ҳамда қоидабузарлик белгилари асосида логистик регрессия, қарор дарахтлари ёки бошқа машинавий ўқитиш моделлари орқали индекснинг прогноз қобилиятини эмпирик текшириш;
 - ✓ Халқаро аудиторлик ва бухгалтерия ташкилотлари (**ISACA** (*Information Systems Audit and Control Association*), **ACCA** (*Association of Chartered Certified Accountants*), **ICAEW** (*Institute of Chartered Accountants in England and Wales*) каби) билан меморандум имзоланган ҳолда (аъзолик бадаллари, имтиҳон тўловлари, ўқув дастурлари бўйича келишувга эришиш орқали Ўзбекистонлик халқаро экспертлар сонини ошириш чораларини кўриш;
 - ✓ Ўзбекистон Республикасида мавжуд миллий аудиторлик ва бухгалтерия институтлари кўриб чиқилиб, келгусида мамлакатимизда халқаро даражадаги мустақил аудиторлик сертификация марказини (миллий ISACA-типидаги ёки унга шерик ташкилот) ташкил этиш;
 - ✓ **иқтисодий таҳлил – хавф харитасини шакллантириш – хавф профилини яратиш – божхона аудити натижаларини баҳолаш** бўйича концептуал модель яратиш бўйича таклифлар илгари сурилади.
- Бундан ташқари, илмий тадқиқотда қуйидаги хулосаларга келинади:**
- ✓ **иқтисодий хавфсизликни таъминлаш** яъни, импортга ортиқча қарамлик миллий иқтисодиёт барқарорлигига хавф туғдириши мумкинлигидан келиб чиқиб, стратегик товарлар — озиқ-овқат, энергия ресурслари, саноат ускуналари ва дори воситалари бўйича ташқи бозорларга юқори боғлиқликни ўрганиш;
 - ✓ **ташқи савдо мувозанатини таъминлаш**, яъни импорт ва экспорт ўртасидаги номутаносиблик ташқи савдо дефицитига олиб келиши мумкинлигидан келиб чиқиб, импорт динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш орқали давлат ташқи савдо сиёсатини самарали бошқариш;
 - ✓ **божхона-тариф сиёсатини такомиллаштириш**, яъни импорт товарларини иқтисодий таҳлил қилиш тариф ва нотариф чекловларни илмий асосда белгилашга ёрдам беришини ҳисобга олиб, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва рақобат муҳитини шакллантириш;
 - ✓ **давлат бюджети даромадларини ошириш**, яъни импорт операциялари божхона тўловлариларнинг муҳим манбаи бўлганлиги сабабли, импорт товарлари қийматини, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) тизимини ва хавф даражасини таҳлил қилиш орқали бюджет тушумларини ошириш;
 - ✓ **контрабанда ва яширин иқтисодиётга қарши курашиш**, яъни замонавий иқтисодий таҳлил усуллари орқали “ниқобланган ва иқтисодий хавф туғдурувчи” импорт операцияларини аниқлаш, товарларнинг ҳақиқий қийматини баҳолаш ва ноқонуний айланмани қисқартириш;
 - ✓ **ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш**, яъни импорт таркибини таҳлил қилиш маҳаллийлаштириш имкониятларини аниқлаш, товарларни

мамлакат ичида ишлаб чиқариш мумкинлигини баҳолаш орқали импорт ўрнини босиш сиёсати шакллантириш муҳим касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда импорт товарлари иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш ташқи савдо самарадорлигини ошириш, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаш, рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантириш ва божхона бошқарувини замонавийлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланиши илмий асослаб берилади.

Умуман, импорт товарлари таркибини мунтазам иқтисодий таҳлил қилиш божхона аудитининг ахборот базасини кенгайтиради, аудит объектларини асосли танлашга ёрдам беради ва назорат ресурсларини фискал ҳамда иқтисодий аҳамияти юқори йўналишларга жамлаш имконини яратади.

Бунда, секторлар даражасидаги таҳлил якуний қарор ўрнини босмайди, балки тадбиркор ва операция даражасидаги хавфларни чуқур баҳолаш учун бошланғич нуқта вазифасини бажаради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-21-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/8050769>
2. World Trade Organization. Agreement on Trade Facilitation. Article 7.5: Post-clearance audit. Geneva: WTO, 2017.
3. World Customs Organization. Guidelines for Post-Clearance Audit (PCA). Volume 1. Brussels: WCO, 2018.
4. URL: https://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/global/pdf/topics/key-issues/revenue-package/pca_guidelines_voll.pdf
5. World Customs Organization. Risk Management Compendium. Volume 1. Brussels: WCO.
6. Coundoul O., Gadiaga M., Geourjon A.-M., Laporte B. Inspecting less to inspect better: The use of data mining for risk management by customs administrations. FERDI Working Paper P46, 2012.
7. Laporte B. Risk Management Systems: Using Data Mining in Developing Countries' Customs Administrations. World Customs Journal. 2011. Vol. 5, No. 1. P. 17–27.
8. Vijayakumar S. Technology-centric and Data-Driven Customs Risk Management for Supply Chain Security. World Customs Journal. 2025.
9. Zhou X. et al. Data Mining in Customs Risk Detection with Cost-Sensitive Classification. World Customs Journal. 2019.
10. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 2016 йил 20 январь. URL: <https://lex.uz/docs/-2876354>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 6 ноябрдаги 700-сон «Божхона соҳасидаги айрим тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. URL: <https://lex.uz/docs/-7816457>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 декабрдаги ПФ-250-сон «Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиб-таомилларини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. URL: <https://lex.uz/acts/-7934915>

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 мартдаги ПҚ-122-сон “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. URL: <https://lex.uz/uz/docs/7452043>

14. 2016–2025 йиллар ташқи савдо режимлари, товар гуруҳлари, давлатлар, статистик қиймат, божхона тўловлари ва имтиёзлар бўйича тадқиқот учун шакллантирилган маълумотлар базаси. Муаллиф ҳисоб-китоблари.

15. Мўйдинова З.В. Божхона орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар товарлари иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.:2026. - 28 б.